



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 25 » avgust 2021-y.

№ 03-03/03-3810 « _____ » - _____ 2021-j.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4860-сонли қарорининг 1.22-банди ижроси бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

Мазкур қарорининг 1.22-бандида таълим муассасаларини битирган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни иш билан таъминлаш топшириғи берилган. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига қуйидагилар таклифлар юборилмоқда.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси бўйича марказлаштирилган ҳолда касаллик турларига қараб, касбга ўқитиш курслари ташкил этиш учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш;

“Ишга марҳамат” моно марказларида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун мослаштирилган махсус ўқув курслари ташкил этилса;

Касб-хунарга эга бўлмаган битирувчиларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ахборот технологиялари ва веб-сайт яратиш, офис менеджери, маиший қурилмаларни созлаш, компьютер таъмирлаш, мебель йиғиш ва созлаш, сантехника ҳамда электрик касб-хунаrlарига ўқитиш ва уларни эгаллаган касблари бўйича бандлигини таъминлаш;

Бугунги кунда корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўлган бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш;

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ишга қабул қилган корхона ва ташкилотларга давлат томонидан имтиёзлар яратиш;

“Устоз-шогирд” анъаналари асосида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар бекитилган уста-хунаrmандларга, тадбиркорларга давлат томонидан имтиёзлар яратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Вазирнинг ўринбосари

Ш.Гаджимуратов

Ижрочи: Э.Нуртаев
Тел: (8-361) 222-11-51

